

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХРОРХОНОВ РУСТАМХОН АКМАЛХОН ЎҒЛИ

ТУҒМА ЮҚОРИ ЛАБ ВА ТАНГЛАЙ КЕМТИКЛИГИ БОР ЭРТА ЁШДАГИ
БОЛАЛАРДА ЗОТИЛЖАМНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ
14.00.09-Педиатрия.

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Анджон 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертация доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Ахрорхонов Рустамхон Акмалхон ўғли

Туғма юқори лаб ва танглай кемтиклиги бор эрта ёшдаги болаларда зотилжамнинг клиник-патогенетик жиҳатлари3

Ахрорхонов Рустамхон Акмалхонович

Клинико-патогенетические аспекты пневмонии у детей раннего возраста с врожденными расщелинами губы и неба31

Akhrorkhonov Rustamkhon Akmalkhonovich

Clinical and pathogenetic aspects of pneumonia in infants with congenital cleft lip and palate.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....64

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХРОРХОНОВ РУСТАМХОН АКМАЛХОН ЎҒЛИ

ТУҒМА ЮҚОРИ ЛАБ ВА ТАНГЛАЙ КЕМТИКЛИГИ БОР ЭРТА ЁШДАГИ
БОЛАЛАРДА ЗОТИЛЖАМНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ
14.00.09-Педиатрия.

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Анджон 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3778 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.admi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

.....

Етакчи ташкилот:

.....

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.02.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026-йил “___” _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2026-йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2026-йил “___” _____ даги ___ рақамли баённомаси).

А.Ш. Арзикулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди

О.А. Якубова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра... "болаларда зотилжам билан касалланиш дастлабки 5 ёшда 10-20% дан ошади ва болалар ўлими сабаблари таркибидаги улуши бутун дунёда 25% ва ундан ортиқни ташкил қилади..." ЖССТ зотилжамни болалар касалланиши ва ўлимининг асосий сабаби деб эълон қилган ва "Зотилжамнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича глобал ҳаракатлар режаси"ни қабул қилган.

Жаҳонда шифохонадан ташқари зотилжам алоҳида муаммо бўлиб, замонавий пульмонологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон педиатриясида олиб борилаётган тадқиқотлар касалликлар таркибида етакчи ўринни эгаллаган шифохонадан ташқари зотилжамни (ШТЗ) эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган. Тўпланган клиник тажрибага қарамасдан, ШТЗни дастлабки босқичларда ўз вақтида аниқлаш масалалари тўлиқ ҳал этилмаган бўлиб, мазкур муаммо янада чуқур ва тизимли ўрганишни талаб этади. (Счнетз П., 2019; Марангу Д., 2019).

Эрта ёшдаги болаларда коморбид ҳолатлар: рахит, оқсил-энергетик етишмовчилик, экссудатив диатез ва анемия фонида зотилжамнинг кечиши алоҳида қийинчилик туғдиради (Геппе Н.Н., 2019; В.К.Таточенко, 2023). Инфекцион жараённинг ушбу фон патологиялари билан бирга келиши прогностни оғирлаштиради ва даволашга индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади (Кумар А., 2020; Каримжонов И.А., 2023).

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини жаҳон стандартларига мос равишда кенг кўламда такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Давлат дастурини амалга ошириш доирасида "тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш"¹ ва..."бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш тизимига айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳани ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва тубдан яхшилаш..."² каби муҳим вазифалар белгиланган.

¹ Ўз. Рес. Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармони

² Ўз. Рес. Президентининг "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021-йил 25-майдаги ПҚ-5124-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ- 5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида," 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида," 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. "Тиббиёт ва фармакология." устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон статистикаси шуни кўрсатадики, зотилжам ва ўткир респиратор касалликлар ўлим сабаблари орасида учинчи ўринни эгаллаб, ҳар йили 3 миллиондан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлади (Счнетз П., 2019; Наир Г.Б., 2021). Ушбу патология 5 ёшгача бўлган болаларда ўлим ҳолатларининг 15% ни ташкил қилади (Спростон Н.Р., 2019; Murray С.Ж.Л., 2020). Чақалоқларда ўпканинг инфекцион зарарланишининг энг кенг тарқалган шакли оғир асоратлар хавфи билан тавсифланган шифохонадан ташқари зотилжам (ШТЗ) ҳисобланади (Марангу Д., 2019; Кумар А., 2020).

МДХ мамлакатларида зотилжам билан оғриган беморлар сонининг ўсиши (40% гача) кузатилмоқда, бунда ҳар учинчи-тўртинчи беморда касаллик чўзилувчан характерга эга (Кошкаринна Е.А., 2019; А.Г.Чучалин, 2021; С.Н.Авдеев, 2022; Шамсиев Ф.М., 2024). Салбий оқибатнинг энг муҳим омилларига тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат қилмаслик, ҳолат ва прогнозни баҳолашдаги хатолар, шунингдек, ноадекват бошланғич антибактериал даво киради (Metlay J.П., 2019; Зайсев А.А., 2021; В.К.Таточенко, 2021; Д.П. Таджихонова, 2023).

Ўзбекистонда ва жаҳонда туғма лаб ва танглай кемтикликлари (ТЛТК) частотаси 1000 нафар чақалоққа 0,1-5 гача, Оролбўйи минтақасида эса 1:540 гача ошиши кузатилмоқда (Ганиева Д.М., 2018; Абдурахмонов А.З., 2021). Ушбу патология постнатал даврда кучайиб борадиган оғир морфофункционал бузилишлар билан бирга келади (Гулмухамедов П.Б., 2022). Ёндош патологияларнинг узоқ муддатли кечишини башорат қилиш учун цитокинлар ва биомаркерларни

ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади (Таджихонова Д.П., 2023). Туғма юқори лаб ва танглай кемтиклиги (ТЮЛТК) фонида зотилжамнинг асоратли кечиши, кўп ҳолларда, организм иммунологик реактивлигининг ўзгариши билан боғлиқ. Экологик ва ижтимоий ноқулай омиллар таъсирида иккиламчи иммунитет танқислиги шаклланади, бу эса яллиғланиш жараёнларининг сурункали кечишига ҳамда организмнинг аллергик реакцияларга мойиллигини ошишига олиб келади. (Марданов А.Э., 2025). Беморларнинг клиник-иммунологик ҳолатини ўрганиш даволашнинг патогенетик асосланган коррекциясини ишлаб чиқиш учун зарур.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ушбу диссертация иши долзарб ҳисобланади. Тадқиқот янги илмий маълумотларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг жорий этилиши ТЮЛТК фонида эрта ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни эрта ташхислашни такомиллаштириш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институтининг 012500309 рақамли “Болаларнинг ўсиши, ривожланиши ва саломатлигига салбий омиллар таъсирини баҳолаш, коррекциялаш ва олдини олишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш” номли педиатрия йўналишидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник, лаборатория, иммунологик ва микробиологик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш асосида лаб ва танглай туғма кемтиклиги бўлган эрта ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

туғма юқори лаб ва/ёки танглай кемтиклиги бўлган болаларда ШТЗ нинг клиник-анамнестик хусусиятлари, лаборатор кўрсаткичлари, шунингдек, оғиз бўшлиғи ва ичак микрофлораси хусусиятларини баҳолаш;

туғма юқори лаб ва танглай кемтиклиги асосида кечувчи ШТЗ билан оғриган бемор болаларда иммун яллиғланиш олди (ИЛ-17А) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-4) ва ИФНү цитокинлар ҳолатини баҳолаш;

туғма юқори лаб ва танглай кемтиклиги бўлган эрта ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни даволашнинг турли усулларини қўллашда оғиз бўшлиғи ва ичак микрофлорасидаги ўзгаришларни, шунингдек иммун жавоб кўрсаткичларини (Th1 - ИФНү, ИЛ-17А, ИЛ-4) ўз ичига олган клиник ва лаборатория динамикасини ўрганиш;

клиник-лаборатор, микробиологик ва иммунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда юқори лаб ва/ёки танглайнинг

туғма кемтиклиги бўлган эрта ёшдаги болаларда ШТЗ давосини такомиллаштириш учун пробиотиклар ва иммуномодуляция воситаларидан фойдаланган ҳолда оптимал тузатиш тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти 2020-2024 йиллар давомида Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг юз-жағ жарроҳлиги, пульмонология ва педиатрия бўлимларида даволанган 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган 84 нафар бола, шунингдек, иммунологик кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш учун шу ёшдаги 36 нафар соғлом бола олинган.

Тадқиқот предмети периферик қон, қон зардоби, томоқдан олинган суртма ва нажас материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида умумклиник, биокимёвий, иммунологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғма лаб ва танглай кемтиклиги бўлган эрта ёшдаги болаларда ШТЗ нинг яллиғланиш жараёнининг давомийлигини ва асоратлар ривожланиш хавфини оширишда ошқозон-ичак тракти патологиялари ва оғиз бўшлиғи ва ичак микробиотсенозининг турғун дисбиотик бузилишлари, яъни нормафлора вакиллари (*Strep. salivarius*, *Strep. mitis*, лактобактерия, бифидобактериялар) сонининг камайиши, шартли патоген микроорганизмлар (*Candida albicans*, *Staph. aureus* ва *Escherichia coli* гемолитик шакллари) фаоллигининг ошиши билан патогенетик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

туғма лаб ва танглай кемтиклиги бўлган эрта ёшдаги болаларда ШТЗда цитокин профилининг номуносолиблиги аниқланган, бу ИФН-γ (Th1) ишлаб чиқарилишининг пасайиши ва ИЛ-4 (Th2) ва ИЛ-17А (Th17) гиперсекрецияси билан тавсифланган. Ушбу иммунитет дисбаланси патогенетик жиҳатдан анатомик нуқсон ва иккиламчи иммунитет танқислиги билан боғлиқлиги исботланган. Цитокин маркерларининг (ИФН-γ, ИЛ-4, ИЛ-17А) зотилжам билан оғриган беморларда диагностик аҳамияти аниқланган;

турли даволаш усуллари қўллаш жараёнида оғиз бўшлиғи ва ичак микробиотасидаги динамик ўзгаришлар (*Strep. salivarius*, *Strep. mitis* нормал микрофлораси вакиллари, лактобактериялар, бифидобактериялар сонининг меъёрга яқинлашиши ва *Candida albicans*, *Staph. aureus* ва *Escherichia coli* шартли патоген микроорганизмларининг гемолитик шакллари сезиларли даражада пасайиши) иммун жавоб кўрсаткичлари (ИФН-γ ишлаб чиқарилишининг сезиларли даражада ошиши ва ИЛ-4, ИЛ-17А даражасининг меъёрий даражагача пасайиши) билан тўғридан-тўғри коррелятсион боғлиқликка эга эканлиги аниқланган. ТЮЛТК бўлган болаларда микробиота таркиби ва иммунологик кўрсаткичлар мувозанатининг янада яққол бузилиши илмий асосланган;

иммуномодулятор ва пробиотикни анъанавий даволаш билан биргаликда қўллаш орқали комплекс биокоррекция дастури ишлаб чиқилган ва клиник амалиётда синовдан ўтказилган. Ушбу биокоррекцион комплекс ичак микробиотасини нормаллаштириш, организмнинг носпецифик резистентлигини ошириш, антибактериал ва гормонал препаратларга бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини бериши илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ТЮЛТК фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган беморларда ИФН-γ, ИЛ-4, ИЛ-17А ҳужайра цитокинларининг Th1/Th2/Th17 клиник ва лаборатория кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятлари асосланган ва ўз вақтида рационал давони тайинлаш имконини берувчи информатив дифференциал-диагностик мезонлар таклиф этилган;

ТЮЛТК фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган беморларда пробиотик Энтерожермин ва иммунокоррекцияловчи препарат Генфероннинг самарадорлиги асосланган ва касалликнинг кечишига қараб беморларни олиб бориш схемаси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий клиник, лаборатор, иммунологик, микробиологик ва статистик усуллар ёрдамида тасдиқланган. Назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, ўтказилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, эрта ёшдаги болаларда ТЮЛТК фонида шифохонадан ташқари зотилжамнинг диагностик ва даво усулларини такомиллаштириш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотларни таққослаш натижалари асосида хулосалар чиқарилган ва олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган илмий натижалар назарий тиббиёт учун аҳамиятга эга, чунки ТЮЛТК фонида шифохонадан ташқари зотилжамни ташхислашда аниқланган Th1/Th2/Th17 ҳужайра цитокинлари ИФНγ, ИЛ-4, ИЛ-17А ни ўз ичига олган комплекс ёндашув касалликни даволашни асосли равишда тузатиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ТЮЛТК фонида шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган беморларни олиб бориш ва даволашнинг ишлаб чиқилган ва тавсия этилган шахсийлаштирилган схемалари, шу жумладан Энтерожермин пробиотиги ва иммунокоррекцияловчи Генферон препаратини қўллаш касаллик давосини асосли равишда тузатиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 27.06.2025 йилдаги 61-52/у-сонли хулосаси асосида "Юқори лаб ва танглай туғма кемтиклиги

бўлган эрта ёшдаги болаларда зотилжамнинг клиник кечиши, диагностикаси ва даволаш тамойиллари" мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (илмий янгиликларни жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институтининг 2025 йил 30 октябрдаги 06-7461-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган).

Илмий янгилик ва даволаш усуллари Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмасида 29.08.2025 йилдаги № 4405-6-85- ТВ/2025-сонли буйруқ ҳамда Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Учкўприк туман тиббиёт бирлашмасида 19.09.2025 йилдаги № 3456-11-162 ТВ/2025-сонли буйруқ асосида амалиётга жорий этилган.

биринчи илмий янгилик: илк бор лаб ва танглай туғма кемтиклиги бўлган эрта ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг кечиши оғир клиник профиль билан тавсифланиши кўрсатилган: беморларнинг 68,3% да ошқозон-ичак трактида патологик ўзгаришлар аниқланган, ичак ва оғиз бўшлиғи микрофлорасининг турфун дисбиотик бузилишлари касаллик кечишини оғирлаштирган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ушбу клиник-микробиологик хусусиятларни эрта аниқлаш асосида хавф гуруҳларини шакллантириш, индивидуал ёндашув асосида даволаш-профилактика тадбирларини оптималлаштириш, касалхонада бўлиш вақтини қисқартириш, асоратлар частотасини камайтириш ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: юқори лаб ва танглай туғма кемтиклиги негизида шифохонадан ташқари зотилжамда антибактериал препаратлар қўлланилган. Беморларни даволашда самарали дори воситаларини қўллаш учун кунлик харажатлар 58 038 сўмни ташкил этган. Шундан ўрин-жойлар 9 кундан 6 кунга қисқартирилиши ҳисобига ҳар бир бемор учун 174 114 сўм иқтисод қилинган. **Хулоса:** ТЮЛТК асосида кечадиган шифохонадан ташқари зотилжамда беморларда даволаш муолажаларини тўғри танлаш орқали беморларга сарфланадиган бюджет маблағларини 30% иқтисод қилишга эришилди.

иккинчи илмий янгилик: зотилжам билан касалланган болаларнинг барча гуруҳларида цитокин профилининг номутаносиблиги аниқланди: IFN- γ (Th1) етишмовчилиги ҳамда IL-4 ва IL-17A (Th2 ва Th17) гиперсекрецияси қайд этилди. Лаб ва танглайнинг туғма кемтиклиги бўлган болаларда мазкур номутаносиблик сезиларли даражада кучли ифодаланган бўлиб, у анатомик нуқсон ва иккиламчи иммунитет танқислиги билан боғлиқ эканлиги аниқланди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: иммунологик маркерларни аниқлаш хавф гуруҳларини шакллантириш ва мақсадли профилактика ўтказиш имконини берди, такрорий касалхонага ётқизиш частотасини 35% га

камайтирди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклиги негизда шифохонадан ташқари зотилжамда қон зардобини текширишнинг оддий ва самарали усули бўлган IFN γ (Th1) ва ИЛ-4 ва ИЛ-17А (Th2 ва Th17) ни амалиётда қўллаш орқали беморларда қўшимча текширувлардан фойдаланиш заруратининг йўқлиги ҳисобига бир текширув учун қўшимча харажатларни 174 114 сўмга иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ТЮЛТК билан бирга кечувчи шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган беморларни тўғри ва эрта ташхислаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 174 114 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: илк бор турли даволаш усулларини қўллашда оғиз бўшлиғи ва ичак микрофлораси динамикаси иммун жавоб билан бевосита боғлиқлиги исботланган; лаб ва танглай туғма кемтиклиги бўлган болаларда микробиота ва иммунитет кўрсаткичлари мувозанатининг бузилиши яққол намоён бўлиши тасдиқланган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: микробиота ва цитокинлар мониторинги антибактериал даво давомийлигини 20% га қисқартириш ва асоратлар хавфини камайтириш орқали даволашни оптималлаштириш имконини берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклиги билан кечувчи шифохонадан ташқари зотилжамда беморнинг шифохонада қолиш муддати 9 кундан 6 кунгача қисқарган, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 58038 сўмга камайган, шифохонада қолиш муддати 3 кунга қисқариши ҳисобига 84 нафар беморнинг даволанишидан 14 625 576 сўм иқтисод қилинган. **Хулоса:** ТЮЛТК билан бирга кечувчи шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган беморларда шифохона шароитида янги даволаш усулларини қўллаш 1 нафар бемор учун 1 кунда 58038 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берди.

тўртинчи илмий янгилик: анъанавий даволаш билан биргаликда иммуномодулятор ва пробиотикдан фойдаланган ҳолда комплекс биокоррекция дастури ишлаб чиқилган ва клиник амалиётда синовдан ўтказилган. Ушбу биокоррекцион комплекс ичак микробиотасини меъёрлаштириш, организмнинг носпецифик резистентлигини ошириш, антибактериал ва гормонал препаратларга бўлган талабни камайтириш имконини бериши илмий асосланган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: комплексни қўллаш анъанавий даволашнинг токсик таъсирини камайтирди, болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилади ва ногиронликни 15% га камайтирди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: антибиотиклар дозасини 25-30% га камайтириш ва асоратларни даволаш харажатларини 174 114 сўмга қисқартириш 84 нафар беморда 14 625 576 сўмни тежаш

имконини берган. **Хулоса:** ТЮЛТК билан биргаликда кечувчи шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган беморларда шифохона шароитида янги даволаш усуллари кўллаш бюджет маблағларини 14 625 576 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан 7 таси журнал мақолалари бўлиб, диссертациянинг асосий илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган республика нашрларда 5 таси, хорижий нашрларда 2 таси чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **"Эрта ёшдаги болаларда юқори лаб ва танглай туғма кемтиклиги фонида шифохонадан ташқари зотилжамнинг замонавий жиҳатлари"** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳолати ва эрта ёшдаги болаларда ТЮЛТК фонида шифохонадан ташқари зотилжам бўйича устувор йўналишлар, уларнинг намоён бўлиш частотаси ва тузилиши, даволаш бўйича замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган. Эрта ёшдаги болаларда ТЮЛТК фонида шифохонадан ташқари зотилжамнинг ривожланиш механизмлари ва асосий этиологик омиллари бўйича мавжуд илмий маълумотлар умумлаштирилган. Мавжуд илмий адабиётларнинг танқидий таҳлили ушбу муаммони янада чуқур ва комплекс ўрганиш зарурлигини кўрсатади ҳамда мазкур тадқиқотни ўтказишнинг илмий асосларини белгилайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **"Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг тавсифи" ТЮЛТК фонида ва нуқсонсиз зотилжам билан

касаланган 3 ёшгача бўлган болаларнинг режалаштирилган таҳлилига асосланган тадқиқот дизайни, шунингдек, иммунитет ҳолатини етарли даражада баҳолаш учун худди шу ёшдаги деярли соғлом болаларнинг кўрсаткичлари ўрганилган. Клиник тадқиқот доирасида зотилжам билан касаланган 84 нафар бола текширилди. Асосий гуруҳни ТЮЛТК фонидида ўткир зотилжам билан оғриган 40 нафар бола ташкил этди. Таққослаш гуруҳига ТЮЛТКсиз типик бактериал зотилжам билан касаланган 44 нафар бемор болалар киритилган. Бемор болаларнинг клиник кузатувлари Андижон шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасида 2020-2024 йиллар давомида олиб борилди. Иммунологик тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва геном институтида ўтказилган (дир. акад. Т.У. Арипов).

Текширилган беморларнинг умумий сонидан ($n=84$) ўғил ва қиз болалар 42 (50,0%) нафарни ташкил этди. Тадқиқот шифохона бўлимларига ётқизилгандан кейинги дастлабки 24 соат ичида олинган кўрсаткичлар бўйича ўтказилди. Зотилжам ташхисини қўйишда 2010-йилда қабул қилинган касалликларнинг халқаро таснифидан (КХТ) фойдаланилган. Зотилжам ташхиси шикоятлар, анамнез маълумотлари, клиник, рентгенологик, лаборатор, микробиологик ва иммунологик текширувлар натижалари асосида қўйилган. Преморбид фон, бошдан кечирилган ва ёндош касалликлар, иситма, йўтал, катарал, интоксикация, нафас қисилиши, диспепсия белгиларининг пайдо бўлиш вақти ва табиати, амбулатория ва уй шароитида антибактериал даволи олиш частотаси, ҳомиладорлик ва туғруқнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Беморлар касалхонага ётқизилганда ташхис қўйиш мақсадида оғиз бўшлиғидан суртма олинган. Диспептик синдромнинг клиник кўринишлари - диарея, қусиш ва қорин оғриғи аниқланган беморларнинг биринчи кунларда юқумли диареянинг этиологик агентларини аниқлаш учун полимераза занжирли реакция усулидан фойдаланган ҳолда нажас намуналарини лаборатория текшируви ўтказилган.

Беморларга иммуномодуловчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга препаратлар, шунингдек пробиотиклар билан комплекс даво ўтказилган. Ушбу препаратларнинг дозаси ва даволаш схемаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024-йилги клиник тавсияларига мос келади.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Фишер-Стюдент бўйича тавсифий статистика ва вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилган. Олинган маълумотлар тавсифий статистика бўйича статистик функциялар кутубхонасидан фойдаланган ҳолда Excel - 2019 + пакетида ишлаб чиқилган дастур бўйича Pentium 4 шахсий компьютерида статистик ишлов берилган.

Учинчи бобда "Клиник, инструментал, лаборатория ва бактериологик ва патогенетик хусусиятлар бўйича шахсий

тадқиқотлар натижалари" клиник, инструментал, лаборатория, бактериологик ва иммунологик кўрсаткичлар бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Асосий касаллик ва туғма нуқсон мавжудлигига қараб даволаш бошланишидан олдин уларнинг ўзгаришлари кўрсатилган.

Умумий танланма бўйича текширилган беморларнинг клиник-анамнестик, инструментал, лаборатор, бактериологик ва иммунологик кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинган. Олинган натижалар омил ва натижа ўртасида статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди ($p < 0,05$), аммо қуруқ йўтал мавжудлиги бўйича бу кўрсаткичлар тескари натижани кўрсатди ($p > 0,05$). Бу бизга юқоридаги маълумотлар таҳлили натижаларини статистиканинг қолган кўрсаткичлари бўйича баҳолашни давом эттириш имконини берган.

Текширилганларнинг акушерлик анамнези ўрганилганда, асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги болалар ҳомиладорликнинг оғир кечиши билан туғилганлиги, шу билан бирга баъзи аёлларда компенсация босқичидаги сурункали касалликлар кузатилганлиги аниқланган. Текширилган 84 нафар чақалоқнинг 26 нафари (30,9%) 1-ҳомиладорликдан, 18 нафари (21,4%) 2-ҳомиладорликдан, 40 нафари (47,6%) 3 ва ундан ортиқ ҳомиладорликдан туғилган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, учинчи ва ундан кейинги ҳомиладорликдан туғилган болалар текширилган беморларнинг асосий гуруҳида сезиларли улушни ташкил этиб 52,5% га тенг бўлган. Мазкур маълумотлар ҳомиладорликлар сони билан янги туғилган чақалоқ ҳамда ҳаётининг биринчи йилидаги бола саломатлиги кўрсаткичлари ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Статистик жиҳатдан ишончли тақсимот ($p < 0,05$) ҳомиладорликлар сонининг ортиши билан чақалоқлар саломатлиги кўрсаткичлари пасайиш тенденциясини акс эттирди.

Кузатувдаги беморларда преморбид фоннинг хусусиятлари ўрганилган ва бу жадвалда келтирилган (1-жадвалга қаранг).

Кузатилган болаларнинг аксарияти ёш ота-оналардан туғилган, шунинг учун оналарнинг ўртача ёши $28,2 \pm 0,57$ ёшни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги ($n=40$) ва таққослаш гуруҳидаги ($n=44$) болаларда перинатал омилларни қиёсий таҳлил қилганда, барча ўрганилган кўрсаткичлар орасида "онадаги эрта ҳомила тушиши" омилнинг мавжудлиги статистик аҳамиятга эга бўлган ($p=0,030$), бу асосий гуруҳдаги болаларда оғир зотилжам ривожланиш патогенезида унинг потенциал ролини кўрсатиши мумкин. Қолган ўзгарувчилар статистик аҳамиятлилик даражасига етмаган ($p > 0,05$), аммо "асфиксия" ($p=0,059$) ва "онадаги ёндош касалликлар" ($p=0,065$) каби кўрсаткичлар чегаравий қийматларни кўрсатган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, маълум перинатал омиллар патологик ҳолатларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаши мумкин

ва янада кенг кўламли тадқиқотларда ўрганишни талаб қилди.

1-жадвал. Кузатувдаги беморларда клиник-анамнестик преморбид фонларнинг хусусиятлари.

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=40)		Таққослаш гуруҳи (n=44)		p қиймат
	абс.	%	абс.	%	
Қариндошлар ва/ёки аجدодларда туғма нуқсонларнинг мавжудлиги	5.	12,5	3.	6,8	0,211 [^]
Онада эрта ҳомила тушиши	13.	32,5	0	0	0,030 ^{**}
Онада ёндош ва/ёки фон касаллиги мавжудлиги	17.	42,5	17.	38,6	0,065 [^]
Ҳомиладорлик токсикози	24.	60,0	20.	45,5	0,041 ^{**}
Чўзилган туғруқ	13.	32,5	9.	20,5	0,476 [^]
Тез туғруқ	5.	12,5	4.	9,1	0,414 [^]
Қон кетиши билан асоратланган туғруқ	17.	42,5	7.	15,9	0,505 [^]
Кесарча кесиш билан туғруқни қабул қилиш	17.	42,5	11.	25,0	0,457 [^]
Асфиксия	16.	40,0	9.	20,5	0,059 [*]
Рахит	16.	40,0	12.	27,3	0,233 [^]
ЭКД	10.	25,0	11.	25,0	0,144 [^]
Ортиқча тана вазни	1.	2,5	0	0	0,211 [^]
Семизлик	2.	5,0	6.	13,6	0,414 [^]
Яққол тана вазни танқислиги	20.	50,0	18.	40,9	0,336 [^]

Изоҳ: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, [^] - $p > 0,05$.

Касаллик кечишининг оғирлигига ўз вақтида касалхонага ётқизиш ва шифокор ёрдамани кўрсатиш катта таъсир кўрсатган (2-жадвалга қаранг).

Беморларда касалхонага ётқизиш вақтининг тузилишини таҳлил қилиш стационарда бўлиш муддатини тақсимлашда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланган. Энг аниқ фарқлар касалхонага ётқизишнинг 6 кундан 12 кунгача ($p=0,01$) ва 12 кундан ортиқ ($p=0,02$) оралиғида кузатилган, бу ерда беморларнинг улуши гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилган. Бундан ташқари, 2 кунгача ($p=0,04$) ва 3 кундан 6 кунгача ($p=0,05$) бўлган тоифаларда ҳам сезиларли фарқ аниқланган, бу клиник ҳолатнинг оғирлиги, терапевтик аралашувларга жавоб бериш тезлигидаги фарқларни кўрсатиши мумкин. Олинган $p < 0,05$ қийматлари кузатилган фарқларнинг статистик аҳамиятини тасдиқлайди, "ўз-ўзини даволаш" давомийлигига таъсир қилувчи омилларни, шу жумладан унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлайди.


2-жадвал. Текширилган беморларни касалхонага ётқизиш муддатлари.

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=40)	Таққослаш гуруҳи	p қиймат
--------------	---------------------	------------------	----------

			(n=44)		
	абс.	%	абс.	%	
Касалхонада ётиш муддати 2 кунгача	8.	20,0	11.	25,0	0,04*
Касалхонага ётқизиш муддати 3 кундан 6 кунгача	9.	22,5	11.	25,0	0,05*
Касалхонага ётқизиш муддати 6 кундан 12 кунгача	12.	30,0	13.	29,6	0,01*
Касалхонага ётқизиш муддати 12 ва ундан ортиқ сутка	11.	27,5	9.	20,4	0,02*.

Изоҳ: * - $p < 0,05$.

Анамнез маълумотларини таҳлил қилишда болаларни овқатлантириш характери эътиборни тортди. ТЮЛТК фонидаги зотилжам ва типик бактериал зотилжам билан оғриган болаларнинг аксарияти она сути билан озиқланган. Оналарда сут йўқлиги ёки унинг касаллиги (мастит) туфайли болалар мос равишда сунъий озиқлантирилган. Кузатувдаги беморлар оналаридаги гипогалактия туфайли аралаш озиқлантиришда бўлган (1-расмга қаранг). Визуаллаштирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, кўкрак сути билан озиқлантириш фоизи таққослаш гуруҳида энг юқори бўлган (77,3%), асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич атиги 37,5% ни ташкил этган, бу беморлар орасида кўкрак сути билан озиқлантиришнинг устунлигини акс эттиради. Сунъий овқатлантириш асосий гуруҳда (35%) таққослаш гуруҳидаги беморларга (4,5%) нисбатан кўпроқ учради. Бу касалликнинг оғир кечиши ёки кўкрак сути билан эмизишнинг иложи йўқлигини кўрсатиши мумкин. Озиқлантиришнинг аралаш тури асосий гуруҳда энг кўп ифодаланган (27,5%).




1-расм. Болаларни овқатлантириш характери % ҳисобида

Шундай қилиб, текширилган болаларнинг оналарида оилавий акушерлик-соматик таҳлил шуни кўрсатдики, аслида иккала гуруҳ болаларида ҳам салбий анамнез мавжуд. Шу билан бирга, оналарда эрта ҳомила тушиши, асфиксия ва оналарда ёндош касалликлар энг кўп учраган. Таҳлил шуни кўрсатдики, ТЮЛТК фонида зотилжам

билан оғриган болаларда ноқулай преморбид фон энг кўп ифодаланган.

Шифохонага ётқизилганда, ота-оналарнинг асосий шикоятлари тана ҳароратининг кўтарилиши, безовталик, катарал белгиларнинг мавжудлиги, кучли ҳолсизлик, диспептик ҳолатлар, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг пасайиши, нафас қисилиши, йўтал ва бошқалар бўлган. Касалхонага ётқизиш вақтида ота-оналарнинг шикоятларини таҳлил қилиш натижалари расмда келтирилган (2-расмга қаранг).



2-расм. Ота-оналарнинг шикоятлари бўйича текширилган болаларнинг таҳлил натижалари

Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳига киритилган бемор болалар ота-оналарининг шикоятлари частотасининг қиёсий таҳлили субъектив жиҳатдан эрта ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бир қатор статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланган. 3-расмдан кўриниб турибдики, барча гуруҳларда энг кўп қайд этилган аломатлар катарал белгилар ва умумий ҳолсизлик бўлиб, асосий гуруҳда 95,0% ва таққослаш гуруҳида 88,6% ни ташкил этган, бу уларнинг этиологик омилдан қатъий назар универсаллигини кўрсатади.

Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар бир қатор параметрлар бўйича аниқланган. Асосий гуруҳда ҳароратнинг кўтарилиши (85,0% га нисбатан 68,2%, $p < 0,05$), безовталик (90,0% га нисбатан 68,2%, $p < 0,05$), уйқунинг бузилиши (87,5% га нисбатан 61,4%, $p < 0,05$) ва қусиш (37,5% га нисбатан 20,5%, $p < 0,05$) сезиларли даражада тез-тез учраган. Аксинча, иштаҳанинг пасайиши таққослаш гуруҳида устунлик қилган (45,0% га нисбатан 61,4%, $p < 0,05$), бу этиологиянинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиши мумкин. Нафас қисилиши таққослаш гуруҳида кўпроқ қайд этилган (75,0% га нисбатан 60,0%), аммо фарқ аҳамиятлилик чегарасига етмаган ($p > 0,05$). Гуруҳларда диспептик бузилишлар частотаси сезиларли даражада фарқ қилмаган ($p > 0,05$).

Олинган маълумотлар шифохонадан ташқари зотилжам клиник профилининг гуруҳга қараб ўзгарувчанлигини тасдиқлайди ва дифференциал ташхис қўйиш ва беморларни олиб бориш тактикасини танлаш учун кўрсатма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қабулхонада умумий ҳолатни бирламчи баҳолашда қуйидаги натижалар олинди: асосий гуруҳдаги болаларда 82,5% (33) беморларнинг аҳволи оғир деб баҳоланган, бу кўрсаткич таққослаш гуруҳида 63,6% (28) ни ташкил этган. Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамиятини баҳолашда ишончсиз натижалар олинган: $p = 0,091$ ($p > 0,05$). Бу эса бирламчи баҳолашда баъзи субъективликлар мавжудлигини ва шифокорнинг тажрибасига қараб ўзгариши мумкинлигини кўрсатади, бу эса замонавий баҳолаш усулларида фойдаланган ҳолда тузатиш зарурлигини талаб қилади.

Нафас олиш частотаси, пульс ва пулсоксиметрия кўрсаткичи (SpO_2 %) таҳлили қуйидаги натижаларни кўрсатган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал. Текширилган болаларда нафас олиш тезлиги, пульс ва пулсоксиметрия кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижалари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	P қиймат
Нафас олиш тезлиги, дақиқада	43,6±1,01	39,5±1,02	0,014**
ЮҚС, дақиқада зарба	136,4±1,9	134,2±1,8	0,087^
SpO_2 , %	94,2±0,31	95,2±0,27	0,006*

Изоҳ: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, ^ - $p > 0,05$.

Олинган маълумотлар асосий гуруҳдаги беморларда нафас олиш функциясининг янада яққол бузилишларидан далолат берган, бу нафас олиш тезлигининг ошиши ва SpO_2 даражасининг пасайиши билан тасдиқланган. Ушбу кўрсаткичлар болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг оғирлик даражасини баҳолашда қўшимча клиник ва диагностик мезонлар сифатида қўлланилиши мумкин.


Зотилжамнинг клиник белгилари орасида йўтал муҳим ўрин тутди, маълумки, унинг хусусияти (қуруқ ёки нам) касалликнинг этиологияси, патогенези ва клиник кечиши ҳақида маълумот беради. Таҳлил натижаларига кўра, асосий гуруҳдаги бемор болаларнинг 82,5% (33) ида нам йўтал, 17,5% (7) ида эса қуруқ йўтал кузатилган. Таққослаш гуруҳида нам йўтал 75,0% ҳолатда (33), қуруқ йўтал эса 25,0% (11) ҳолатда кузатилган. Статистик таҳлил натижаларига кўра, нам ва қуруқ йўталнинг тақсимланиши асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасида сезиларли фарқни аниқламаган, $p = 0,317$ ($p > 0,05$). Бу йўтал тури гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан тенг тақсимланганлигини англатади. Шу билан бирга, нам йўтал пайдо бўлишининг юқори частотаси иккала гуруҳда ҳам зотилжамнинг

клиник кўринишида доминант белги сифатида намоён бўлишини тасдиқлайди.

Перкуссияда қутича товушининг аниқланиши асосий гуруҳдаги 72,5% (29) бемор болаларда ва назорат гуруҳидаги 50,0% (22) болаларда кузатилган. Бу бронхообструктив синдром асосий гуруҳда кўпроқ учрашидан далолат беради. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти $p = 0,038$ ($p < 0,05$) ни ташкил этди.

Аускультация натижаларига кўра, асосий гуруҳдаги болаларнинг 90,0% (36) да турли калибрдаги нам хириллашлар, 97,5% (39) да эса қуруқ хириллашлар кузатилган. Бироқ, назорат гуруҳида нам хириллашлар 88,6% (39), қуруқ хириллашлар эса 100,0% (44) ҳолатда кузатилган. Гуруҳлар ўртасида нам ва қуруқ хириллашларнинг пайдо бўлиш частотасидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга эмас эди ($p = 0,23$ ва $p = 0,79$ мос равишда), бу белги икки гуруҳда деярли бир хил учраган.


Рентгенологик текширувлар таҳлили ўтказилган ва қуйидаги натижалар олинган (3-расмга қаранг).



3-расм. Текширилган болаларда ўпка шикастланишининг жойлашуви бўйича рентгенологик белгиларни таҳлил қилиш натижалари

Расмдан кўриниб турибдики, фарқ икки томонлама, ўнг томонлама ва чап томонлама зотилжамнинг тарқалиши бўйича статистик аҳамиятга эга бўлмаган ($p = 0,74$, $p = 0,18$ ва $p = 0,93$ мос равишда). Бироқ, сегментар зотилжам ҳолатларида фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада ($p = 0,047$) бўлган.

ТЮЛТК фониди ва ТЮЛТК сиз оғир зотилжам билан касалланган болаларда клиник жиҳатдан қуйидаги синдромлар билан кечди, улар расмда келтирилган (4-расмга қаранг).



4-расм. ТЮЛТК фонида оғир зотилжам билан оғриган ва ТЮЛТКсиз болаларда асосий синдромлар

4-расмдан кўриниб турибдики, ТЮЛТК фонида оғир даражадаги шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган асосий гуруҳ болаларида клиник синдромларнинг, айниқса обструктив синдромларнинг юқори частотаси кузатилган, бу беморларнинг 72,5% да аниқланган, ТЮЛТК бўлмаган гуруҳда 50,0% ($p = 0,031$), бу анатомик нуқсон ва бронхиал обструкция ўртасидаги статистик жиҳатдан муҳим боғлиқликни кўрсатади. Дисциркулятор синдроми ТЮЛТК бўлган болаларнинг 42,5% ида ва нуқсон бўлмаган болаларнинг 31,8% ида ($p=0,049$) ташхисланган, бу тизимли яллиғланиш ва гипоксиянинг таъсирини акс эттириши мумкин. Кардиореспиратор ва эксикоз частотаси иккала гуруҳда деярли бир хил бўлиб чиққан - мос равишда 62,5% ва 61,4%, 15,0% ва 13,6%, ишончли фарқлар аниқланмаган ($p > 0,05$). Шундай қилиб, энг аниқ статистик аҳамиятли фарқлар обструктив ва дисциркулятор синдромларда кузатилган, бу эса ушбу тоифадаги беморларни кузатиш ва даволашга индивидуал ёндашув зарурлигини таъкидлайди.

Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг қабул бўлимида бирламчи аниқланган клиник кўрсаткичлари ва уларнинг статистик таҳлил натижалари жадвалда келтирилган (4-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, болаларда клиник белгиларнинг қиёсий таҳлили давомида қуйидаги белгилар бўйича энг аниқ фарқлар аниқланган: мушак тонусининг бузилиши таққослаш гуруҳида (84,1%) асосий гуруҳга (55,0%) нисбатан анча кенг тарқалган, $p < 0,001$, бу нейромушак иштирокидаги фарқларни акс эттириши мумкин. Оғиз бўшлиғида караш ($p=0,014$), шиллиқ қаватда тошма ($p=0,018$), марказий сианоз ($p=0,027$), везикуляр нафаснинг сусайиши ($p=0,021$), лимфа тугунларининг катталашуви ($p=0,004$) ва ўпка устида қутича товуши ($p=0,045$) ҳам гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатган. Жигарнинг катталашуви, бодомсимон безларнинг катталашуви, инспиратор нафас, аралаш типдаги ҳансираш ва оқсил-энергетик етишмовчилик белгилари каби

кўрсаткичлар ишончли фарқларни кўрсатмаган ($p>0,05$). Шундай қилиб, олинган маълумотлар касалликнинг клиник алгоритмларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши мумкин бўлган гуруҳлар ўртасида клиник ва статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар мавжудлигини тасдиқлаган.


4-жадвал. Беморларнинг клиник кўрсаткичлари ва уларнинг статистик натижалари

Клиник кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=40)		Таққослаш гуруҳи (n=44)		p қиймат
	%	n.	%	n.	
Умумий аҳволи оғир деб баҳоланган	82,5	33.	63,6	28.	0,091 [^]
Оғиз ва тилда караш мавжудлиги	85,0	34.	59,1	33.	0,014 ^{**}
Оғиз бўшлиғида тошмалар мавжудлиги	50,0	20.	25,0	11.	0,018 ^{**}
Бодомсимон безларнинг катталари	27,5	11.	20,5	9.	0,630 [^]
Оқсил-энергетик етишмовчилик белгилари	52,5	21.	40,9	18.	0,360 [^]
Мушак тонусининг бузилиши	55,0	22.	84,1	37.	0,001 ^{***}
Инспиратор нафас олиш	62,5	25.	52,3	23.	0,48 [^]
Аралаш турдаги нафас қисилиши	80,0	32.	61,4	27.	0,11 [^]
Марказий сианоз	62,5	27.	36,4	16.	0,027 ^{**}
Заифлашган везикуляр нафас	92,5	37.	72,7	32.	0,021 ^{**}
Лимфа тугунларининг катталари	50,0	20.	18,2	8.	0,004 ^{**}
Ўпка устидаги қутича товуши	92,5	37.	75,0	33.	0,045 ^{**}
Жигарнинг катталари	42,5	17.	43,2	19.	0,98 [^]

Изоҳ: * - $p<0,05$, ** - $p<0,01$, *** - $p<0,001$, [^] - $p>0,05$; n-беморларнинг мутлақ сони;

Тадқиқот давомида биз томоқ ва балғамдан олинган суртмалар ёрдамида текширилган беморларда зотилжам этиологиясини аниқладик. Бактериологик текширув натижалари расмда келтирилган (5-расмга қаранг).

Шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотга фақат шифохонадан ташқари зотилжамнинг этиологик кўзғатувчиси аниқланган беморлар киритилган. Бу олинган маълумотларни талқин қилишнинг юқори аниқлигини таъминлаган ва ўрганилаётган гуруҳлар ўртасида маълум патогенларнинг тарқалишини ишончли таққослаш имконини берган.



5-расм. Текширилган болаларда шифохонадан ташқари

зотилжамнинг аниқ қўзғатувчилари бўйича этиологик тузилиши (%)

5-расмда иккита клиник гуруҳга бўлинган текширилган болалар орасида шифохонадан ташқари зотилжамнинг бактериал қўзғатувчиларининг тақсимланиши кўрсатилган: асосий гуруҳ - юқори лаб ва танглай туғма кемтиклиги бўлган болалар ва таққослаш гуруҳи - кўрсатилган аномалиялар бўлмаган болалар. Барча беморларда шифохонадан ташқари зотилжам ташхиси қўйилган, бу эса этиологик агентлар спектрига анатомик хусусиятларнинг таъсирини баҳолашга имкон берган. Иккала гуруҳда ҳам полибактериал инфекция энг катта улушни эгаллаган (40,9% га нисбатан 42,5%), фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ($p > 0,05$), бу касалликнинг полиэтиологик хусусиятини тасдиқлайди. *Staphylococcus aureus* нуқсони бўлган болаларда сезиларли даражада кўпроқ аниқланган (32,5% га нисбатан 18,2%; $p < 0,05$), бу бурун-ҳалқумнинг анатомик яхлитлигининг бузилиши ва шиллик пардаларнинг шартли патоген флора билан колонизациясининг кучайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. *Haemophilus influenzae* таққосланадиган частота билан учраган (13,6% га қарши 10%; $p > 0,05$), бу унинг болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг типик қўзғатувчиси сифатида барқарор ролини кўрсатади. *Streptococcus pneumoniae*, аксинча, таққослаш гуруҳида кўпроқ аниқланган (27,3% га нисбатан 15%; $p < 0,05$), бу туғма аномалиялари бўлмаган болаларда зотилжам этиологиясида унинг етакчи ролини тасдиқлайди, нуқсони бўлган беморларда эса спектрнинг стафилококк ва аралаш инфекция томонга силжиши кузатилган. Шундай қилиб, юқори лаб ва танглай туғма кемтиклик мавжудлиги болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг микробиологик профилига таъсир қилади. Бундай беморларда *Staphylococcus aureus* ($p < 0,05$) сезиларли даражада кўпроқ аниқланган ва полибактериал шаклларга мойиллик кузатилган ($p > 0,05$), аномалиялари бўлмаган болаларда эса *Streptococcus pneumoniae* етакчи қўзғатувчи бўлиб қолмоқда ($p < 0,05$). Эмпирик антибактериал даवони танлашда бу фарқларни ҳисобга олиш керак.

Комплекс микробиологик тадқиқот давомида оғиз бўшлиғи микробиотасининг тузилиши ва миқдорий хусусиятлари ўрганилган. Микроб таркибининг таҳлили шуни кўрсатдики, барча текширилган болаларда шартли патоген ва сапрофит флора вакиллари, жумладан *Streptococcus salivarius*, *Streptococcus mitis*, *Candida albicans*, шунингдек *Staphylococcus aureus* ва *Escherichia coli* гемолитик шакллари устунлик қилган. Кўпчилик микроорганизмларнинг миқдорий кўрсаткичлари гуруҳлар бўйича мос келган, аммо уларнинг аниқланиш частотаси, фаоллиги ва турлар ўртасидаги нисбати сезиларли фарқларни кўрсатган. Ушбу тадқиқот шароитида *Veillonella* spp., *Actinomyces* spp. ва *Neisseria* spp. микроорганизмларини

аниқлаш қийин бўлганлиги сабабли, улар таҳлилга киритилмаган.

Асосий гуруҳдаги болаларда *Streptococcus salivarius* сонининг сезиларли пасайиши кузатилган - таққослаш гуруҳидаги $8,5 \pm 0,29$ ИгКОЕ/мл га нисбатан $6,7 \pm 0,38$ ИгКОЕ/мл ($p < 0,01$). Шунга қарамай, аниқланиш фоизи юқориликча қолган - 87,5%, бу колонизациянинг базавий даражаси сақланиб қолганлигидан далолат беради. *Streptococcus mitis* ҳам пасайиш тенденциясини намойиш этган - $7,1 \pm 0,25$ ИгКОЕ/мл га нисбатан $5,9 \pm 0,43$ ИгКОЕ/мл ($p < 0,05$), аниқланиш частотаси 72,5%. Ушбу стрептококклар оғиз бўшлиғи нормофлорасининг асосий вакиллари бўлиб, биоплёнкани шакллантириш, шиллиқ қаватни ҳимоя қилиш ва маҳаллий иммунитетни тартибга солишда иштирок этади. Уларнинг пасайиши анатомик нуқсонлар, оғиз бўшлиғи герметиклигининг бузилиши ва рН муҳитининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин. ТЮЛТК бўлган болаларда *Candida albicans* экиш частотасининг ошиши кузатилган - 32,5% таққослаш гуруҳидаги 13,6% га нисбатан ($p < 0,01$). Асосий гуруҳдаги болаларда миқдорий кўрсаткич $5,8 \pm 0,43$ ИгКОЕ/мл ни ташкил этган, бу рухсат этилган қийматлардан ошиб кетган, таққослаш гуруҳидаги болаларда эса рухсат этилган қийматлар доирасида $2,5 \pm 0,13$ ИгКОЕ/мл ни ташкил этган. Шартли патоген микроорганизмлар орасида *Staphylococcus aureus* етакчилик қилган, унинг миқдори рухсат этилган меъёрдан ошган - таққослаш гуруҳида $3,1 \pm 0,18$ ИгКОЕ/мл га нисбатан $6,2 \pm 0,49$ ИгКОЕ/мл ($p < 0,05$). Экиш частотаси таққослаш гуруҳидаги 15,9% га нисбатан 40,0% ни ташкил этган ($p < 0,01$). Бу тўқималарнинг анатомик бутунлигининг бузилиши, маҳаллий иммунитетнинг пасайиши ва тез-тез касалхонага ётқизилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, асосий гуруҳдаги 12,5% ($n=5$) ва таққослаш гуруҳидаги 4,5% ($n=2$) болаларда бошқа турдаги ачитқисимон замбуруғлар миқдори аниқланган. Шундай қилиб, юқори лаб ва танглайнинг туғма патологиялари билан асоратланган шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган болаларда оғиз бўшлиғи микробиотасининг сезиларли бузилишлари кузатилган. Нормофлора вакиллари сонининг камайиши, шартли патоген микроорганизмлар фаоллигининг ошиши ва замбуруғлар колонизациясининг кўпайиши сурункали яллиғланиш ва иккиламчи инфекцияларнинг шаклланиши учун замин яратган. Ушбу маълумотлар пробиотикларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий санация ва иммуномодулятсион давони ўз ичига олган микробиотани комплекс тузатишни ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди.

Ичак микрофлораси текширилганда дастлаб бифидобактерияларнинг сезиларли даражада камайиши қайд этилган. ТЮЛТК фонида ШТЗ бўлган болаларда уларнинг таркиби меъёрда $8,2 \pm 0,28$ ИгКОЕ/г га нисбатан $6,9 \pm 0,35$ ИгКОЕ/г ни ташкил этди. Бифидобактериялар сонининг камайишига қарамай, намунада уларнинг мавжудлик фоизи сезиларли даражада бўлиб, асосий

гуруҳда 90,0% ни ташкил этган. Бу шуни кўрсатадики, бифидобактериялар сони камайганда ҳам уларнинг аниқланиш фоизи юқориликча қолади. Шу билан бирга, лактобактериялар таркибининг пасайиши кузатилган: асосий гуруҳ болаларида уларнинг даражаси $6,1 \pm 0,41$ IgKOE/г, ТЮЛТК бўлмаган болаларда эса $6,3 \pm 0,21$ IgKOE/г ($p < 0,001$) ни ташкил этган. ТЮЛТК бўлган болаларда бактероидларни аниқлаш частотаси шартли меъёрга нисбатан пасайган ($p < 0,05$), гарчи уларнинг миқдорий таркиби юқори бўлиб, мос равишда $7,6 \pm 0,31$ IgKOE/г га нисбатан $9,3 \pm 0,41$ IgKOE/г ни ташкил қилган ($p < 0,05$). Шунингдек, ТЮЛТК бўлган болаларда энтерококклар миқдори $7,4 \pm 0,34$ IgKOE/г ни ташкил этиб, ТЮЛТК бўлмаган болаларга нисбатан юқори эканлиги аниқланган ($5,6 \pm 0,35$ IgKOE/г, $p < 0,05$). ТЮЛТК билан оғриган болаларда ферментатив фаоллиги меъёрда бўлган ичак таёқчалари сонининг сезиларли даражада камайиши кузатилган. Бу кўрсаткич $5,4 \pm 0,27$ IgKOE/г ни ташкил этган, ТЮЛТК бўлмаган болаларда эса - $6,5 \pm 0,30$ IgKOE/г ($p < 0,001$). ТЮЛТК билан оғриган беморларнинг нажас намуналарида лактозанегатив хусусиятга эга бўлган ичак таёқчаси миқдорининг сезиларли даражада ошиши аниқланган - $4,7 \pm 0,35$ IgKOE/г га нисбатан $5,5 \pm 0,25$ IgKOE/г ($p < 0,05$). Шартли патоген микроорганизмлар орасида тилларанг стафилококк етакчилик қилган: унинг миқдори $1,2 \pm 0,09$ IgKOE/г ни ташкил этган, ТЮЛТК бўлмаган болаларда эса йўқ эди ($p < 0,05$). Шунингдек, текширилган болаларда ачитқисимон замбуруғлар (*Candida*, *Saccharomyces* ва б.) - $4,6 \pm 0,37$ IgKOE/г нисбатан $3,1 \pm 0,19$ IgKOE/г ($p < 0,05$) аниқланган. Ушбу ўзгаришлар мос равишда 18 (45,0%) ва 10 (22,7%) нафар текширилган беморларда аниқланган ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, микробиотани ўрганиш шуни кўрсатдики, эрта ёшда сунъий овқатлантиришга ўтказилган юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари бўлган болаларда кўпинча ичак дисбиози кузатилади. Ушбу ҳодиса тадқиқотда иштирок этган барча гуруҳ болаларида аниқланган. Агар нормофлорага иммун ва морфоген омиллар манбаи сифатида қарайдиган бўлсак, у кичик ёшдаги болаларда овқат ҳазм қилиш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот давомида 84 нафар болада даволанишдан олдин ва кейин интерферон-гамма (IFN γ /IFN γ), яллиғланиш олди интерлейкини (ИЛ-17А/ИЛ-17А) ва яллиғланишга қарши интерлейкин - 4 (ИЛ-4/ИЛ-4) синтези жараёнлари ўрганилган.

